

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
27 октябрь
пайшанба
№ 131 (4727)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишди ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишини ўтказди. Унда тиббиётимиз олдида турган долзарб масалалар муҳокама қилинди.



Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Жамоатчилик фикри асосида шақллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» форматидagi биринчи мажлисида иштирок этиш учун 27 октябрь куни амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) Бош котиби Бағдод Амреев билан учрашди.



«World Justice Project» халқаро ташкилоти томонидан тузилган қонун устуворлиги бўйича жаҳон рейтингидagi Ўзбекистон 85-ўриндан 78-ўринга кўтарилди. Рейтингда 140 та давлат киради.



Европа Кенгаши президенти Шарль Мишель 28 октябрь куни Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида олий даражадаги музокара-ларни ўтказиш учун Ўзбекистонга келади. Унда мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлигига оид кенг доирадаги масалалар кўриб чиқилади.



Самарқанд шаҳрида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) Парламентларaro ассамблеяси алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик бўйича экспертлар кенгашининг 24-мажлиси бўлиб ўтди.



Самарқандда ICTWEEK UZBEKISTAN – ақборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ақборот-коммуникация технологиялариға масъул вазирлик ва идоралари раҳбарларининг кенгаши ўтказилди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Хоразм вилояти Фахр



БУ БИЗНИНГ КАСАБА УЮШМАМИЗ

Бугун ҳаётнинг ҳар жабҳасида янгиланишлар кўзга ташланыпти. Шунга монанд равишда касба уюшмалари фаолиятида ҳам қатор янгилликлар рўй беряпти. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатдаги фаол иштироки ва бошқа қатор омиллар натижасида касба уюшмалари ҳар бир аъзо фаолияти ва ҳаётида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Касабақўм раиси сифатида 62 нафар ходим манфаатини ҳимоя қилишга ўз ҳиссамини қўшиб келган. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Урганч тумани кенгаши томонидан биз, етакчиларга мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатиб келинапти. Иш берувчиларнинг меҳнат қонуночилигига доир билимлари мустақамланмоқда. Бу эса ижтимоий шериклик асосида ходимлар учун қулай иш шaroитлари яратилишида, меҳнат ҳуқуқлари кафолатлишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Икки нафар ходим санаторийда соғломлаштирилди. Кўп болали, ёлғиз ва кам даромадли ходимларимиз фарзандлари учун ўқув қуруллари олиб берилди. Меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, эҳтиромимиз ва совғаларимизни етказдик. Тармоқ касба уюшмалари томонидан ташкил этилган спорт мусобақаларида жамоамиз фаол иштирок этиб, ғолиблар сифидан жой эгаллади.

Умуман, бугунги кунда касба уюшмаси ходимларнинг ҳақиқий дўстига айланди. Айниқса, ушбу ташкилотнинг ўрни бўлакчилигини ходимлар ҳам ҳис қилиб туришибди.

Айни кунларда ҳамкасбларимиз касба уюшмалари байрамини нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар. Ушбу кун халқимизнинг энг сеvimли байрамларидан бирига айланишиға ишонамиз.

Қурвонбика ҚИЛИЧОВА,
Урганч туманидаги 13-мактаб бошланғич касба уюшма ташкилоти раиси

Жамоатчилик назорати

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИКЛАР УНДИРИЛДИ

2020 йилда ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси меҳнат инспекцияси иқтисодиётнинг турли тармоқларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириб келмоқда.



Ходимларга ўз вақтида тўланмаган иш ҳақлари ундирилиб, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувларига риоя этилиши юзасидан тизимли жамоатчилик назорати ўтказилиши ташкил этилмоқда.

Хусусан, Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат инспекцияси томонидан Қуйичирчиқ туманидаги «ТСТ Agro Cluster» МЧЖ, Жиззах шаҳридаги «Jizzax kenteks» МЧЖ, «Sangzor tekstil» МЧЖ, Хонқа туманида жойлашган «Обиҳаёт инжиниринг» МЧЖда ўтказилган жамоатчилик назорати давомида қатор камчиликлар аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 9-моддаси, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 34, 35, 37, 45, 46-моддалари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотларда фаолият юритадиган меҳнат инспекцияларининг Низоми асосида жами 14 та банддан иборат 4 та кўрсатма киритилиб, ижроси назоратга олинди.



Натижада «ТСТ Agro Cluster» МЧЖ ходимларининг

2022 йилнинг июль ойи учун иш ҳақидан 8000046660 сўм, «Jizzax kenteks» МЧЖ ходимларининг сентябрь ойи учун иш ҳақидан 848552760 сўм, «Sangzor tekstil» МЧЖ ходимларининг сентябрь ойи учун иш ҳақидан 817728517 сўм, «Обиҳаёт инжиниринг» МЧЖ ходимларининг сентябрь ойи учун иш ҳақидан 738657400 сўм, жами 10 млрд. 405 млн. сўмга яқин қарздорлиги ундирилди. Езма кўрсатмаларга киритилган қатор камчиликлар бартараф этилиб, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот (аттестация ўтказувчи) билан шартнома тузиш ва аттестация комиссиясини ташкил этиш тўғрисида қорхона раҳбарининг буйруғи чиқарилиб, аттестация 2022 йилнинг 4-чорағига режалаштирилганлиги, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш 2023 йилнинг 1-чорағига мўлжалланганлиги билдирилган.

Шу тариқа қорхона, ташкилотлардаги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат инспекцияси

Келгуси сонларда ўқинг...



Андижон вилояти



Уйғоқ фикр ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди

Андижонда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ўқувчилари кўпчиликни ташкил этади. Буни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашида бўлиб ўтган муштарийлар билан учрашув яна бир қарра тасдиқлади.

Унда касаба уюшма фаоллари, олий ўқув юрти ўқитувчилари ва талабалари ҳамда газетада чоп этилаётган мақолаларга бефарқ бўлмаган мухлислар қатнашдилар. – Янгиланаётган Ўзбекистонда

барча соҳаларда улкан мақсадлар, катта ижобий ўзгаришлар сари илдам қадамлар ташланаётган жараённи юрдошларимизга халқчил услубда таҳлил қилиб етказиш, кези келганда, тараққиётга тўсиқ бўлаётган иллат ва камчиликлар ҳақида бонг уриб, муаммоларга масъул мутасаддилар эътиборини кенг жалб этиш борасида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ўзига хос ўрни бор, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси Қодиржон Парпиев. – Севишли нашримизнинг ҳар бир сонидан ўрин олаётган чуқур таҳлилий мақолалар, ижтимоий-ҳуқуқий йўналишдаги ўткир чиқишлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаётганини кўриб, билиб турибмиз. Ўқувчилар кўлига мана шундай сермазмун газеталар етиб боришида тахририят ижодий ходимларининг сермашаққат ва фидокорона меҳнатлари мужассам, албатта.

зетхонлар фикрларига кенг ўрин берилди. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларга боғлиқ долзарб муаммолар мутасаддилар ҳужмига ҳавола этилади. – Республикаимизда чоп этилаётган ўндан ортиқ нашрларга обуна бўлмаган, – дейди филология фанлари доктори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Баҳодиржон Раҳмонов. – Лекин мутолаани дастлаб «Ishonch»-дан бошлайман. Ўзим учун керакли бўлган жойларидан кўчирмалар оламан. Талабаларимга ҳам тавсия қиламан, бевосита лекцияларимда фойдаланаман. Чунки бу нашрда кўтарилаётган уйғоқ фикр ҳеч бир зиёлини бефарқ қолдирмайди.

– Муҳими, газетада танқид, таҳлил бор. Долзарб мавзулар вақтида кўтариляпти. Камчиликларни бар-тараф этишда изчиллик мавжуд, – дейди «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори Йўлдошмирза Исоқжонов. Учрашувда ўтказилган викторина саволларига аниқ ва тез жавоб берган бир гуруҳ иштирокчилар тахририятнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкент шаҳар ва Андижон вилояти бўлимлари, шунингдек, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ва «Андижоннома» газетаси тахририятлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда тажриба алмашиш тўғрисида меморандум имзоланди.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

Наманган вилояти

РАСМИЯТЧИЛИКЛАРДАН ХОЛИ ТАДБИР

Айни кунларда ҳудудлар бўйлаб «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ходимлари билан ижодий учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай баҳс-мунозараларга бой тадбирлардан яна бири Наманган вилоятида уюштирилди.



Кўп минг сонли аъзоларга эга касаба уюшмалари тизимдаги ўзгариш ва янгиланишларни пешма-пеш ёритишда пешқадамлик қилаётган бу нашрни ҳозир барча ишчи-ҳодимлар «Ўзимизнинг газетамиз» дея меҳр билан тилга олаётгани бежиз эмас. Бу муштарийларнинг тахририят фаолиятини рози эканликларининг яққол исботидир.

– Бугун босма нашрларнинг умри қисқалигини «башорат» қилаётганларга «Ishonch»да ёритиб келинаётган танқидий, таҳлилий мақолаларни ўқиб, сўнгра фикр билдиришларини маслаҳат берган бўлар эдим, – деди учрашувда Чуст тумани тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Саломат Саркарова. – Замон билан ҳамнафасликда фаолият юритаётган тахририятнинг ижодий ходимлари, ҳудудий муштарийларнинг самарали меҳнатини биз, муштарийлар доимо қадрлаймиз ва эътироз этишимиз.

Газета Бош муҳаррири Хусан Эрматов учрашувни ҳар қандай расмиятчиликлардан холи ҳолда ўтказиш таклифини билдиргани боис ҳам ижодий учрашув ниҳоятда самимий руҳда кечди. Олий ўқув юртларидан келган вакиллар ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари томонидан билдирилган таклифлар янгидан-янги мавзуларга туртки бўлишига шубҳа йўқ.

Учрашув давомида ўзаро ижодий ҳамкорлик қилиш мақсадида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳамда «Наманган ҳақиқати» газетаси тахририятлари ўртасида меморандум имзоланди.

Тадбирнинг якуний қисмида викторина саволларига тўғри ва аниқ жавоб берган зукко газетхонлар тахририятнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Орзулгул РУСТАМОВА «ISHONCH»

Жиззах вилояти

Жорий йилги болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумида Жиззах вилоятидаги 184 та соғломлаштириш майдончаси ҳамда 10 та стационар оромгоҳда зарур шароитлар яратилди. Мазкур жараёнда касаба уюшма ташкилотлари, ҳокимликлар, Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари, ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар, корхона, ташкилот ва идоралар уюшқоқлик билан фаолият олиб борди.

Жумладан, Фориш туманидаги «Ёмчи» қишлоғида жойлашган 100 ўринга мўлжалланган «Коинот» оромгоҳи тўлиқ қайта реконструкциядан чиқарилиб, болаларни қабул қилди. «Жиззах аккумулятор заводи» АЖга қарашли «Энергия» оромгоҳида 135 нафар ва «Зомин болалар оромгоҳи» МЧЖга қарашли дам олиш масканида 149 нафар қорақалпоғистонлик болла соғлиғини тиклади. Шунингдек, мавсум давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи,



ЭНГ ЯХШИЛАР АНИҚЛАНДИ

«Матлуботчи», «Зомин болалар оромгоҳи» МЧЖ, Шароф Рашидов номидаги оромгоҳда ногирон ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан, «Жилғача» оромгоҳида «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзандлари, «Коинот» оромгоҳида профилактик ҳисобда турган ўсмирлар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари туман ҳокимликлари, ҳомийлар ва «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан бепул ва имтиёзли равишда соғломлаштирилди. «Ижтимоий мослашув» йўналишида Жиззах шаҳридаги заиф кўрувчи ва кўзи ожиз болалар мактаб-интернати тарбияланувчилари Шароф Рашидов номидаги



Рағбат



оромгоҳда дам олдирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашида соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ташкил этган, бир қатор мутасадди идоралар, тарбиячи-мураббийлар рағбатландирди. – Мавсум давомида 15112 нафар болажон соғломлаштириш майдончалари ва стационар оромгоҳларда дам олдирилди, – дейди вилоят кенгаши Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими муdiri Шарофиддин Баҳриддинов. Фаолиятнинг 15 та йўналиши бўйича ўтказилган танловда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Файрат Қодиров «Энг ғамхўр ҳомий», Ҳалаорол туманидаги «Камо-

Мукимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

Учрашув

Хоразм вилояти



ИШЛОВЧИ АЁЛЛАР РОЗИ БЎЛСИН ДЕБ...

Аёл – хонадон фариштаси. Улар фаолият кўрсатадиган корхона ва ташкилотларнинг ҳам فايизи бўлачкан. Айниқса, қишлоқ ҳўжаллиги соҳасида уларнинг ўрни катта. Ҳосил етиштириш, йиғиштириб олишдан тортиб то қайта ишлашгача бўлган жараёнда опа-сингилларимизнинг пешона тёллари, ҳалол меҳнатлари бор. Шу боис улар учун алоҳида имтиёзлар беришга ҳаракат қилиб келяпмиз. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали миннатдорлик туйғуларини тобора кенгроқ ифодалаш чоралари кўриляпти.

Яқинда Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Фуломжон Сафаров ҳамроҳлигида тармоқдаги бир қатор корхона ва ташкилотлар, фермер хўжалиқларида бўлиб, хотин-қизларга яратилган шароитлар, меҳнат муҳофазасининг таъминланиши, жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши билан танишди. Ишловчи опа-сингилларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлдик.

кластер сифатида фаолият кўрсатаяпти. Шароитларимиз жуда яхши. Иш ҳақимизни вақтида оляпмиз. Бепул иссиқ овқат, махсус кийим-бош ташкил қилинган, – дейди Қурбаноий Ниёзметова. Бошланғич касаба уюшма ташкилот раиси Боғдагул Хусайнова иш берувчи билан ҳамкорликда ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида кўрилатган чоралар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб берди.

«Urgench cluster» МЧЖдаги мулоқотимиз ҳам самимий руҳда кечди. Корхонада фаолият кўрсатувчи 340 нафар ишчи-хизматчининг 28 нафари аёл. Уларнинг ҳеч бири оғир меҳнатга жалб қилинмаган. – Илгари бу маскан пахта пункти эди. Уч йилдан буён

Самимий мулоқот давомида жамоада меҳнат қилаётган хотин-қизларга касаба уюшмаларининг совғалари топширилди. Шавкат САФАРБОВ, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Қўли гулдир ўзбек аёли

Муаммо ечимига креатив ёндашув



нинг олдини олиш» дастурида Мунираҳон тренерлик вазифасини бажариб келяпти. Ҳар бир тренинг аввалида ўзга юрда сарсон бўлиб, бахт ва молу дунё излаб юрганлари ҳақида сўзлайди. Ўзимизнинг юртимизда яратилган бор имкониятлардан фойдаланишни хоҳлаган, айниқса, тадбиркорлик қиламан, янги иш ўринлари яратаман, деган одамга ҳеч қандай тўсиқ йўқлиги ҳақида ўзи мисолида тўлиб-тошиб гапиради. Ушбу лойиҳа Андижон, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилмоқда. Юртта қайтиб келган мигрантлар, уларнинг оилалари ва хавф гуруҳидаги аёллар учун иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, ахборот, бизнес ва молиявий имкониятлардан фойдаланишга ўргатиш ва шу омиллар

орқали одам савдосининг олдини олишни мақсад қилган лойиҳа доирасида 300 нафардан зиёд бенефициар тадбиркорлик асослари ва хавфсиз миграция бўйича семинар-тренингларида иштирок этди. Лойиҳа доирасида инновацион стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, муваффақиятга эришган аёллар иштирокида менторлик моделадини синондан ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Ҳа, мамлакатимизда Мунираҳон Ҳамроева сингари ўта қатъиятли, шижоатли аёлларимиз жуда кўп. Тадбиркорлик ортидан даромад топиб, яқинлари ёнида, фарзандлари камолини кўриб, дийдорига тўйиб, куч олиб яшаш ўзбек аёли учун ҳақиқатан энг олий бахтдир!

Конила БОЙМУРОВА «ISHONCH»

Муносабатга муносабат



Мен не дейману қўбизим не дейди?..

ТАҲРИРИЯТДАН: «Ishonch» газетасининг 2022 йил 29 сентябрдаги сонида «Депутатлар мажумлар тарафиди эмас(ми?)» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда 2 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мажумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар кири-

тиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида депутатлар ва ИИБ вакиллари ўртасида баҳсга сабаб бўлган мажумларнинг тузалиш йўлига ўтганини баҳоловчи мезонлар ҳусусида сўз борган. Ушбу мақолага Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одилжон Тожиев «parliament.gov.uz» сайтида қуйидагича муносабат билдирди:

Депутатлар адолатли қонунчилик тарафдорлари

... Аввало, айтишим керак, депутатлик корпуси, уларнинг фаолияти, қизгин муҳокама ва торттишувлардаги иштироки ҳақида халқимизга оммабоп шакл ҳамда усулда ахборот етказишга уринаётган, қонун ижодкорлиги соҳасидаги сўнги ўзгаришларга қизиқиш билдираётган ҳар бир оммавий ахборот воситаси вакилларига миннатдорчилигини билдирамиз. Қизиқиш билдирилаяпти, ютуқ ва натижалар эътироф этилаяпти, камчиликлар бўлса, очиқ-ойдин айтилаяпти. 5-6 йил илгари бу каби эркин муҳокама ва танқидий чиқишлар майдонини «қундузи чироқ ёқиб ҳам топа олмадик».

Лекин сарлавҳаси билан эътиборимни жалб қилган бу мақолани диққат билан мутолаа қилар эканман, жонли эфирда тўғридан-тўғри узатилаётган ялпи мажлисларда илгари суриляётган айрим масалаларни, депутатлар томонидан қўтарилган маззуларни ҳар ким ўз қаричи, ақл-идроки, дунёқарашига мос ҳолда қабул қилиши, тушуниши ва ҳатто баъзан ноўрин хулосага келиши мумкинлигини яна бир бор англаб етдим.

Мақола Сирдарё вилоятида содир этилган мудҳиш бир жиноят тафсилотлари билан бошланади. Кульминацион қисмида эса яқиндаги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мажумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида депутатлар томонидан билдирилган фикрларга эътибор қаратилган.

Мақоланинг қисқача мазмунига тўхталсам. Эмиши, ўтган ойда Қонунчилик палатасида юқорида номи келтирилган қонун лойиҳасини қабул қилиш орқали депутатлар жиноятчиларни тўғри йўлга бошлаш ўрнига, уларга енгил яратишга хизмат қиладиган қонунчиликни шакллантиришга ҳисса қўшаётган экан. Бу хулосасини асослаш учун мақола муаллифи қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида Қонунчилик палатаси вакиллари ҳамда қонун ташаббускорлари ўртасида юзага келган савол-жавобни борича тасвирлашга ҳаракат қилган.

Мунозара тафсилоти ва предметиға тўхталганидан олдин мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берсам.

Биринчидан, ушбу қонун лойиҳасида мажумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мезонларини белгилаш, мажумларга нисбатан қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриinsonий ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилмаслигини кафолатлаш, зарурат туғилганда уларга имо-ишора тили (сурда) таржимони хизматидан фойдаланиш учун етарлича шароит яратилишини мустақамлаш билан боғлиқ нормалар қўшилиши тақлиф этилган эди.

Иккинчидан, I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган умумий тураржойлар махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланиши, тураржой майдонининг оширилиши, жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган мажумларнинг жисмоний ва ақли қобилятларидан келиб чиқиб меҳнат қилиши мажбуриятини белгилаш масаласини қонун даражасида мустақамлаш назарда тутилган.

Учинчидан, мажумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгилувчи қатъий мезонларни белгилаш орқали уларнинг ҳулқ-атворини баҳолаш ҳамда меҳнатга жалб этилган мажумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар қонун лойиҳасида акс эттирилган эди.

Албатта, мажумлар муайян турдаги қилмиши ёки жинояти, ножиоз ҳатти-ҳаракати сабабли махсус жойларда жазони ўтаётган шахслардир. Эҳтимол, уларнинг аксарияти оқлаб бўлмайдиган, инсониятга хос бўлмаган даражадаги оғир жиноятларни ҳам содир қилган бўлиши мумкин. Лекин бу озодликда, эмин-эркин яшаб келаятган бошқа фуқаролар, масзулар ёки депутатлар уларнинг ҳулқ ва манфаатлари бузилишига асос бўладиган қонунлари қабул қилиши керак, қилмишидан пушаймон бўлиши учун уларни ҳам маънан, ҳам

жисмонан қийналишига йўл қўйиб бериши керак, дегани эмас-ку, ахир.

Мажум ҳам, аввало, инсон. Жиноятчиға ғайриinsonий муносабат кўрсатмас, мақолада танқид қилинганидек, жазони ижро этиш колонияларида муносоиб турмуш шароитини яратмасак, улардан фарқимиз бўлмай қолади-ку.

Шу ўринда мақола муаллифиға мажумларнинг ҳулқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид амалиёт ҳамда қонунчиликнинг ҳолати юзасидан ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган Конвенция ва бошқа турдаги ҳужжатларни изчиллик билан ўрганиш ва миллий қонунчилигимиз билан муқояса қилишни тавсия қилиб қолган бўлардим.

Қисқароқ айтганда, қонун лойиҳасида қўшимча сифатида киритилиши тақлиф этилган нормалар нафақат мажумларнинг ҳулқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, балки Конституциямизда қайд этилган халқаро ҳулқнинг умумий эътирофи бўлган принциплари ва нормаларининг устуворлигини таъминлашга, яъни амалдаги қонунчилигимизни бу борадаги халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Айни пайтда мақоладаги айрим фикрларга қўшилмасликнинг имкони йўқ. Ҳақиқатан ҳам, мажумлар билан ишлашнинг амалдаги мезонлари замон талабларига жавоб бериши, уларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини кўрсатувчи қатъий мезонларнинг белгиланиши борасида ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга, бу борада турли хил коррупцион омилларнинг юзага келиши эҳтимоли ҳам депутатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган эди. Депутатлар тизимда баъзан учраб турган бу муаммоларга кўз юмиб кетгани йўқ, аксинча, мақолада сўзма-сўз баён этилган депутат ҳамда ҳукумат вакили ўртасидаги

мунозаранинг предмети ҳам айнан шу муаммоларнинг ҳолисона ва адолатли ечимини топиш юзасидан эди.

Жумладан, қонунчилик ташаббуси ҳулқ субъекти томонидан парламентга тақдим этилган вариантда мажумларнинг ҳулқ-атвори муассаса маъмурияти томонидан 3 та мезон асосида (меҳнатга ва таълимга виждонан ёндашиши, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиши, муассасанинг ички тартиб-қоидаларига риоя этиши, бунда мажумнинг интизомий жазо чораларига тортилмаганлиги инobatга олиниши) баҳола-ниши, бу мезонларга тўлиқ риоя этган мажум тузалиш йўлига ўтган деб ҳисобланиши қайд этилган эди.

Депутатлик корпуси вакиллари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида ушбу мезонларнинг айримлари умумий характерга эгаллиги ҳамда мазкур мезонларга баҳо беришни муассаса маъмурияти иктиёрида қолдирилиши нотўғри эканлиги билан боғлиқ хулосага келишган.

Шундан сўнг, Қонунчилик палатаси депутатларнинг тақлифлари асосида мазкур мезонлар аниқ ва равшан қилиб ёзилиб, уларга баҳо бериш махсус комиссия томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Мақола муаллифи Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоиловнинг «Эртага маъмуриятнинг фойдасига йўнайдиган ҳужжат бўлмаслиги керак, агар мажумнинг фойдасига йўнаса, майли, рози бўламиз» мазмундаги фикрини сўзма-сўз келтиришга уринади.

Муаллиф идоралар манфаатига қўйилаётган қонун лойиҳасини қабул қилишга қарши бўлган депутатларнинг ҳаракатини қоралар экан, депутатларнинг «мажумларга қўйилаётган талабларни осонлаштириш» мақсадида шундай овоз берганликда айблаётгани сезилиб туради.

Ҳақиқат баҳсларда намоён бўлади. Биз, депутатлар очик, кучли ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилишида турли хил ахборот майдонлари орқали бир-бирдан фарқланувчи нуқтаи назарлар, чиқишлар кўпайишини олқийлаймиз. Аммо, шу билан бирга, ўзгаларнинг фаолияти ёки ҳаракатини баҳолаш, шарҳлаш холислик ва адолат мезонларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши кераклигини алоҳида таъкидлаймиз.

Юриш навбати сиздан, Одилжон Тожиев!

«Депутатлар жиноятчилар эмас, ҳолис ва идоралар манфаатига хизмат қилмайдиган қонунчилик тарафдори» сарлавҳаси остида эълон қилинган муносабатда асосий эътироз шуки – ёўеки мазкур масалани ўз қаричимиз, ақл-идрокимиз, дунёқарашимизга мос ҳолда қабул қилганимиз, уни тўғри тушунай, нотўғри талкин қилганимиз.

Муаллиф, шунингдек, мажумларнинг ҳулқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид амалиёт ҳамда қонунчиликнинг ҳолати юзасидан ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган Конвенция ва бошқа турдаги ҳужжатларни изчиллик билан ўрганиш ва миллий қонунчилигимиз билан муқояса қилиш тавсия қилиш асносида қонун лойиҳасида қўшимча сифатида киритилиши тақлиф этилган нормалар нафақат мажумларнинг ҳулқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, балки Конституциямизда қайд этилган халқаро ҳулқнинг умумий эътирофи бўлган принциплари ва нормаларининг устуворлигини таъминлашга, яъни амалдаги қонунчилигимизни бу борадаги халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилиши ҳам эслатиб ўтган.

Хуллас, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари ўз муносабатида «...ҳақиқат баҳсларда намоён бўлади, биз, депутатлар очик, кучли ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилишида турли хил ахборот майдонлари орқали бир-бирдан фарқланувчи нуқтаи назарлар, чиқишлар кўпайишини олқийлаймиз, аммо, шу билан бирга, ўзгаларнинг фаолияти ёки ҳаракатини баҳолаш, шарҳлаш холислик ва адолат мезонларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши кераклигини алоҳида таъкидлаймиз», дебди.

Дарҳақиқат, ҳақиқат баҳсларда туғилади. Баҳс бўлса, баҳсда. Аввало, Одилжон Тожиев айтаётганидек, мазкур масалага ўз қаричимиз, ақл-идрокимиз, дунёқарашимиз доирасида эмас, таъкид-

ланганидек, мажумларнинг ҳулқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид амалиёт ҳамда қонунчилик, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган Конвенция талабларидан келиб чиқиб, борини борича баён этдик, ҳо-лос. Шундай экан, бизни муаммога бирёқлама ёндашибсизлар, деб иддао қилишингиздан мақсад нима? Ёки, марҳамат, мақолада келтирилган далил ва рақамларга қарши асос келтиринг!

Мақолада таъкидлаганимиздек, шу вақтгача амалдаги мезонлар бўйича 10-11 минг нафар мажум озод этилган ёки жазоси енгилроғига алмаштирилаётган экан, мазкур масалага нима учун депутатлар аввалроқ эътироз билдирмаган? Нима, шу пайтгача депутатларимизнинг хорижий тажриба, халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган Конвенциядан хабарлари йўқмиди?

Ҳўш, бизни бирёқламаликда айблаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари нима учун масаланинг шу жиҳатига муносабат билдириш туғул, бир оғиз ҳам сўз айтмаган?

Ҳақиқатан ҳам, ўша мезонлар депутатлар ваҳима қилаётганидек оғирми?

Инсон ҳулқлари, инсон ҳулқлари дея аслида мажумларни бошимизга кўтариб юбормаяпмизми? Алал-оқибат, бу хотамтойлигимиз жиноятлар сони янада ортиб кетишига хизмат қилмасмикан? Халқ вакиллари мажбусларга енгиллик талаб қилаётган вақтда масаланинг шу

тарафларини ҳам инobatга олишганмикан?

Фикримизча, жиноятчиға енгиллик берилгани билан у тўғри йўлга қайта қолмайди. Чунки унда пушаймонлик ҳисси бўлмайди. Бу ҳиссиёт қатъий тартиб-интизом натижасида юзага келади.

Тўғри, жиноятчи ҳам инсон. Унинг ҳам ўз ҳақ-хулқлари бор. Шу қаторда мажбуриятлари ҳам.

Хусусан, депутатлар ҳар гапининг бирида дастак қил-ладиган хорижий тажриба ҳақида гапирадиган бўлсак, айрим давлатларда мажумларнинг ҳақ-хулқлари қато-

рида мажбуриятлари ҳам борлигини, ҳатто оғир жиноят содир этганлар ўлим жазосига ҳулқ қилинишини ҳам биламиз. Шулрки, бизда бундай амалиёт йўқ. Умуман, бу масалада хорижий тажриба билан бизникининг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Буни ҳам кўпчилик билади. Шундай экан, хорижий тажрибани ҳадеб пеш қилавериш ҳам унчалик жоиз эмас. Аслида бизда мажбусларга енгиллик бериш тўғрисидаги мезонлар бошқа давлатларникидан осон бўлса, осондирки, қийин эмас. Бунга ишончимиз комил.

Бизни бошқа савол қийнади. Нега биз кўп ҳолларда сабаблар қо-либ, оқибатлар билан курашаяпмиз? Шуни йўлаб кўрдингизми, жаноб Тожиев?

Мен жазони ижро этиш муассасаларида бир неча бор бўлдим. Мажумлар билан кўп мулоқот қилдим. Шундан келиб чиқиб, бундай ўзгаришларни тақлиф қилишдан олдин хурматли қонун чиқарувчиларимизни ҳам ўша «ҳаёт»ни бироз «бевосита» кузатиб, хулоса қилишга чақирган бўлардим. Қонунларнинг кўпчилиги фақат қабул қилинган, амалда ижроси таъминланаётгани йўқ. Бунга эса бош сабаб, уларда ҳаётий ҳолатлар инobatга олинмаган, ҳаёт ҳақиқатлари акс этмаган. Ёки эътирозингиз борми?

Ғуломжон МИРАҚМЕДОВ
«ISHONCH»

Дарахт ҳавас билан экилиши, халқимиз, маҳалла-ларимизнинг маданиятига айланиши лозим. Шавкат МИРЗИЁЕВ

Авваллари ҳар бир ҳовлида фарзанд ва нева-ра-эвараларга ота-боболаридан эсдалик сифатида қолган дов-дарахтлар бўларди. Оила аъзолари «Раҳматли отам ёки бобом эккан!» деб уларни асраб-авайлашарди, кези келганда, дўппида сув келтириб суғоришарди. Бу авлодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган хайри аниҳона эди.

Бундан ташқари, қадимда ҳам, яқин ўтмишда ҳам ҳар 3-4 ҳовлининг бирида азим туплар қад ростлаб турар, мевалари тилла рангда тусланиб, пишиб ётарди. Улар уйга яқин экилгани сабабли ўша жойдаги сувни бугаги, иморатлар захлашининг олдини оларди.

Бошқа бир урф-одатга кўра, оилادا ўғил фарзанд туғилса, ҳовлининг бир чеккасига 20 туп терак кўчати ўтказилган. Яхши ниятда экилган бу дарахтлар йилит вояга етганда унга атаб уй қуришда асқатган.


Энг муҳими, дарахтлар ҳаёт учун зарур кислороднинг асосий манбаи ҳисобланади. Илмий маълумотларга кўра, бир гектар майдондаги бог бир кеча-кундузда 220-275 килограмм карбонат ангидрид газини ютиб, 180-215 килограмм кислород ажратади. Бу ўртача 500 кишини кун бўйи кислород билан таъминлашга етди. Бошқача айтганда, икки жуфт дарахт бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондиради. Битта дарахт умри давомида 1000 килограммга яқин, баъзан ундан ҳам кўпроқ карбонат ангидрид газини ютади.

Дарахт ва буталар ҳаводаги чанг миқдорини ҳамда касаллик кўзгатувчи бактерияларни камай-тириб, шаҳарларда шовқинни ҳам пасайтиради. Яшилликка бурканган худудларда кислород алмашинуви ва ҳавони тозалаш имкони вужудга келади. Дарахтлар жазирама ёзда микроиқлим шаклланишига ва ҳавони салқинлаштиришга хизмат қилади. Барглари тўқиб юборганига қарамай, қишда ҳам ҳавони чангдан ҳимоялашда давом этади.

Тан олиш керак, кейинги пайтларда биз ана шу яшил дўстларимиз пойига болта уриб, аксариятига қирон келтирдик. Ҳар қандай каттаю кичик қурилишни дарахтқушлик билан бошлашга одатлан-

Тафаккур қилган, теран фикр-мушоҳада юритган борки, ҳаётни англайди, оқ-қорани ажратади. Унинг негизда эса, аввало, илм турари. Ўқиган, ўқиганда ҳам тафаккур қилишга ўндайдиган асарларни саралаб мутолаа қилган, шу билан бирга, тарбиясида кемтиклик бўлмаган, ўзини англаган киши асло кам бўлмайди. Аммо бир ҳақиқат борки, бор бўй-басти билан намоён бўлиб, ҳар қандай виждони йўқоқ кишини ўйлангирмасдан қўймайди. У ҳам бўлса, ҳозир кўпчилик ёшлар енгил-елпиликка берилиб, савияси ўтмаслашиб, таназзул ботқоғи сари кетаётгандек... Нега бундай бўлмоқда? Бунга етаклаётган сабаблар нималарда кўрилади? Бугун оддий ҳолдек туюлган, лекин оқибати маънавий таназзулга олиб борадиган жиҳатларга чуқурроқ назар ташлаш вақти келмадимики?

ЧОРРАҶАДА ҚОЛГАН АВЛОД



КИТОБ ДЎКОНИДА

Китоб дўкониди эдик. Бир киши чамаси бешинчи-олтинчи синфларда ўқийдиган қизчаси билан кириб келди. Қизчанинг кўзи «шеър»лари кўшиқ бўлган «қушиқчи шоир»нинг жавонда тизилиб турган китобларига тушиб, ҳаяжонланиб бақариб юборди:

— Ота, мана мен излаган китоб.

— Қизим, шуни деб юз чақирим йўл босиб келяпмиз. Албатта, олиб бераман.

Қизча хурсанд бўлиб, отасини қучоқлаб олди. Бу ҳолни кузатиб жавонда тизилиб турган элимизнинг улугъ эвуни, шоирлари, жаҳон адабиётининг дурдона асарларига назар ташладим. Қизча уларга қайрилиб ҳам қарамади, излаганини топганидан севинчи ичига сиғмай ҳаяжонда турарди.

Оддий туюлган бу ҳол ҳозирги авлод таълим-тарбиясида улкан бўшлиқ пайдо бўлганини аниқлашмоқда. Буни озгина тафаккур қилган киши тушунади, албатта. Шу қизчадан Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ҳақида сурасангиз, билиши мумкин, лекин ўқимагани аниқ. У учун онгу шуурига сингиб кетган «қушиқ»нинг мутлақо тафаккурга ўндамайдиган ҳарф бирикмалари муҳим. Энди у харид қилинган китобдаги сўзлар тизмасыдан иборат шеърларини ўқийди, ёд олади...

Таассуфки, у ёлғиз эмас, тенгдошлари, ҳатто бироз катталар ҳам шундай, аслида.

ОЛТИН ОРАЛИҚ ҚАЕРДА?

Талабалик йиллари. Олмазор туманидаги бир мактабга амалиётга бордик. Бир синфда 30 чоғли ўқувчи, хоҳласа, дарсада ўтиради, ёқмаса, папкасини кўтариб чиқиб кетади. Ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам шундай. Синфда бир ёки иккитгагина ўқувчи қолади. Ўқитувчининг иши йўқ, гўёки бу оддий ҳол. Нега бундай? Бугунги ёшларимиз қай томон кетмоқда? Дарсини қилмаган, ўқимаган бундай авлоддан нима кутиш мумкин? Табиийки, бунинг сабаблари билан қизиқим, вазиятни ўнглашга уриндим. Аммо ўқитувчилар



дик. Яхшиямки, бироз кечроқ бўлса-да, Дубай эмас, Швейцария бунёд этишимиз кераклигини англаб етдик. Пировардида, кўчат экишдаги савобли иш давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Шу йил 2 февралда бўлган видеоселектор йиғилишида Президентимиз «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмаслигини, беш йил мобайнида 1 миллиард туп дарахт кўчати экиш режалаштирилганини таъкидлади. Шунингдек, халқаро ва республика аҳамиятига эга йўллар четда 1,5 миллионга дарахтдан иборат иҳотазорлар барпо қилинишини эслатди.

11 октябрь кунини ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилишида эса лойиҳа доирасида йил охиригача 75 миллион туп, келаси йил баҳор ойларида яна 125 миллион туп мевали ва манзарали кўчат экилиши зарурлиги, бултурги тажрибага асосан, 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича долзарб 40 кунлик эълон қилиниши, аҳоли хонадонлари ҳамда далалар чағига кўпроқ мевали дарахтлар ва сабзавот экишни феога тарғиб этиш кераклиги таъкидланди.

Дарвоқе, шу пайтгача биз асосан манзарали дарахтлар ўстиришга зўр бердик. Устига-устак, ландшафт дизайни деяр тўрт туп чиройли бутани экиб, атрофини алданқандой ажнабий гуллар билан безашга одатландик. Эҳтимом, бу ҳам керакдир, лекин у биз-

нинг иссиқ иқлим шароитимизда тангадй соя беролмаслиги аниқ. Шундай экан, нега кўп асрилик аниҳонага амал қилмаймиз? Нега йўл бўйларига ва томоққаланимизга қайрағоч, садақайрағоч, чинор, тол, мажнунгоқ, тарак, тут, жийда, чилонжйда ва ёнғоқ экмаймиз?

Мутахассисларнинг аниқлашларича, ариқ бўйига экилган тол суяри тазалайди. Тутнинг ҳам сояси, ҳам меваси фойдали. Жийда ва чилонжйда қон босими ҳамда ошқоқозон-ичак касалликларига даво бўлади. Мажнунтол кўрки ва таровати билан кишига илҳом бағишлайди.

Тарихдан аёнки, мадрасалардаги таълим ёдлатиш усулида олиб борилган. Бу жараёнда талабалар таомига алоҳида эътибор қаратилган. Хотирасини мустаҳкамлаш учун уларга хандон pista, ёнғоқ, бодом ва майиз берилган. Натижада жуда кўпчилиги «Қуръон» ва муборак ҳадисларини ёддан билишган.

Ўқори даромад келтиргани сабабли Эрон, Туркия ва Сурияда pista дарактини «яшил олтин» ёки «олтин дарахт» деб аташди. У маҳаллий аҳоли турмуш фаровонлигининг асосий манбаи бўлиб келмоқда.

Бизнинг заманимизда хандон pista, бодом сингари сувсизликка чидамли, лалми ерлар ва адирларда ҳам парваришlash мумкин бўлган дарахтларни

фойдаси йўқлигини, бирортасига оғиз очгудек бўлса, дарров ота-онаси чопиб келиб, туполон қилишини айтишди. Шундай бўлган, ўқитувчилар ноилжон индамасликка қарор қилишган. Уларга ҳам осон эмас. Болага қаттикроқ гапирса, ота-онаси бориб ёқасидан олиб, ўз ўқувчиси олдида шарманда қилса... Боланинг тақдирини қил устиди. Дарса бўлмагача, ё ким биландир жанжаллашса, ё жиноятга қўл уриб, қамалсади. Ота-онанинг кўзи очилганда эса... жуда кеч қолган бўлишади. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиш жоиз: бола тарбиясида ота-она ва мактаб ўртасида мувозанатни сақлаб туривчи олтин оралиқ бузилган. Агар қандайдир чора кўриласа, аҳвол ҳозиргидан ҳам ёмонлашиши, олтин оралиқ орзуга айланиб қолиши мумкин.

ПЎРТНАНИ ЖИЛОВЛАШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

Бугун инсоният том маънода тараққиёт асрида яшайпти.

Инсон қўли билан яратилаётган кашфиётлар кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Интернет тармоғи илгари мураккаб туюлган масалаларни осонгина ҳал қилиб берди. Лекин шу билан бирга, кўплаб муаммолар ҳам олиб келдики, энди уларга ечим топиб керак бўляпти.

Ҳар қандай асарнинг тарбиявий аҳамияти бўлади. Каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш, ўзгаларга, шу билан бирга, ҳайвонларга ҳам меҳрли бўлиш икки абзац ривоятда ҳам теран

очиб берилади. Китоб билан улғайган бола ҳаётни эрта англайди, комил инсон бўлиб шаклланади. Аммо ўрғимчак тўри ёшларимизнинг онгини шу қадар эгаллаб олдики, савиясизлик урфга айланаётгандек.

Ҳар ким фақат ўзи ва шахсий муаммоси ҳақида ёзади. Бировни биров тингламайди. Муҳокама қилинмаётган мавзу ҳаминқадар. Буларни кузата туриб, бир аср муқаддам Мунаввар Қори битган кўйидаги сўзлар ҳамон долзарблиги рўй-рост намоеъ бўлади: «Овруро халқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол нисолари, овруполилар денгиз остида сузар экан, бизда узун-қисқа кийим жанжаллари, Овруро шаҳарлари бутун электрик билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда жүғрофия ва табиёт ўқитиш, ўқитмаслик ихтилофлари... давом этади». Бу — аччиқ ҳақиқат!

Айниқса, сайтлар, телеграм каналлар ўқувчисини кўпайтириш учун ҳар қандай усуллари қўлладан ийманмапти. Бир-биридан жарангдор, кўрқинчи шарлавлар. Яқинда интернетда «Усмир ўз онасини тенқурлари билан ўлдирди» деган хабар пайдо бўлди. Бу, ҳақиқатан ҳам, дахшат, «ўрғимчак тўри»га ўраллашиб, ундаги турли кўрқинчи ўйинлару совуқдан совуқ хабарлар ортидан бефарқ, умидсиз, энг ёмони, онгсизлик домола тушган ёшлар бизнинг фожаимиздир. Шу билан бирга, турли бачкана видеолар ҳам бисёр. Бундай хабарлар турфа сайтлару телеграм каналларда тўлиб-тошиб ётибди. Улар ёшларни бефарқ, беҳафсала қилиб қўймапми? Демак, шундай қилса буларкан-да дея ўйламаслигимизга, шу ишни қилмаслигимизга ким кафиб бўла олади?

Бу каби кўрқинчи абхотборлар тўла миёнаи тозалаш осон эмас. Болани сўксанг — бети, урсанг — эти қотар, дейди. Бундан кўра, Узанидан тошиб чиққан пўртнанан ҳар томонга бошқариб, ҳовли, экин-тикинни босиб кетишининг олдини олишга बेкорга урингандан кўра, уриб кетган жойидан жияловлаган маъкул эмасми?! Интернет сайтлар фаолиятини тегишли ҳужжат билан тартибга солиш керакдир? Ёшлар онги ва тафаккурига таъсир этадиган хабарлар ибрат бўладиган шаклда узатилса, нур устига нур бўлармиди?!

ҲАЁТНИ АНГЛАШ САОДАТИ

Бизнинг элдан улғулар кўп чиққан. Дунёнинг бугунги тараққиётига улар тамал тошини қўйган десак, тўғри бўлади. Ал Хоразмий, Беруний, Махмуд Қошғарий, Юсуф хос Хожиб, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий...

«Хамса», «Девону луготит турк», «Кутадғу билиг» асарлари — маънавий хазинамиз. Киши дунёқарашини ўстириб, ҳаётни англаш саодатини берадиган бу асарларнинг қўлимизга етиб келишида Порсохон Шамсиев, Солиҳ Муталлибов ва Қаром Каримовнинг хизмати катта. Уларнинг узоқ йиллик заҳматлари эвазига бугун бу асарлар қўлимизда. Лекин уларни ёш авлод танимайди, билмайди, ҳатто бу асарларни ўқиб туғул, эшитмаганлар ҳам бор.

Яшил макон

экиш ички бозорда уларнинг меваларига бўлган талабни қондириб, импорт миқдорини камайитиришга хизмат қилади. Бу борада хандон pista етиштириш бўйича миришкор боғбонларимизнинг тажрибалари етарли. Фақат уларни оммалаштириб, pista ва бодом боғлари яратиб лозим. Шунингдек, катта йўллар бўйига ёнғоқ экилса, соясидан ҳам, мевасидан ҳам баҳраманд бўламиз.

Бир вақтлар Андижон шаҳрига Хитойдан қиммат-баҳо лола дарахти кўчатлари келтирилиб ўтқазилди. Бироқ бирор тупи ҳам кўкармади. Аслида, вилоятда ер танқислигини ҳисобга олиб, уриқнинг «Субҳоний», тутнинг «Марвартак», олхўрининг «Кўксултон», шафтолининг «Олғери», «Луччак», узумнинг «Қора киши», «Сариқ киши» каби навларини экиш фойдадан холи бўлмайди. Уларни ҳўл мева сифатида истеъмол қилиш ёки экологик тоза, инсон саломатлиги учун фойдали дармондориларга бой қоқи ва майизга айлантириш мумкин. Бинобарин, шунда кишин-ёзин дастурхонимиз тўқинлиги таъминланади.

Агар «Яшил мамлакат» номини олган Германияда бўлсангиз, азим ва кўркам дарахтларга кўзингиз тўшади. Лекин уларни парваришlashга ҳар доим ҳам маҳаллий ҳокимиятнинг маблағи ва кучи етавермайди. Шу босис бу мамлакатнинг деярли ҳар бир шаҳрида «Яшил кўнгиллар» жамияти фаолият юритади. Улар ўз худудларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга ҳисса қўшадилар. Кельн шаҳрида эса кўчат экишга ҳомийлик қилмоқчи бўлган фуқаро 600 евро миқдорига бадал тўлайди. Эвазига рўйхатда кўрсатилган кўчага у хоҳлаган кўчат ўтқазилади ва исм-шарифи битилган эслатма ўрнатилади. Аниҳонага бинаош, ниқоҳдан ўтаётган ёшлар махсус ажратилган ўрмон худудларига бориб, кўчатлар қадашади.

Бизда эса манзарали ва мевали дарахтлар баъзан пала-партиш равишда, масалан, бир-бирига жуда яқин қилиб экилмоқда. Бу улар яхши ўсмаслигига, касалланишига, ҳатто, бир-икки йилдан сўнг куриб қолишига ҳам сабабчи бўлмоқда. Қолаверса, зич холда ўсадиган дарахтларнинг кислород чиқариш хусусияти сусаяди. Буни ёддан чиқармаслик, мевали дарахтларни худудларнинг тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб экиш мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, Андижон вилоятининг Асака, Мархамат, Булоқбоши туманларида тоқларни, Пахтаобод, Кўронтёпа, Ҳўжаобод туманларида экспортбоп гилос дарахтларини парваришlash яхши самара беради.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Мулоҳаза

Элнинг улғулари, уларнинг ижоди ҳақида бир қатор ёшларни саволга тутганимизда, афсуски, кўпчилиги саволларимизни жавобсиз қолдирди. Жадид адабиёти, буюк ижодкорлар ҳаёти ва ижоди, бугунги кундаги эл юқини кўтаришга астойдил бел болаган олимларини билмаслигини рўй-рост айтишди. Авлоний, Бешбўйиқ, Қодирий, Чўлпон, Мунаввар Қори, Иззат Султон, Озод Шарофиддинов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Утқир Хوشмов, Абдуғафур Расуллов, Иброҳим Гафуров, Қозоқбой Йўлдошев...

Биргина «Улғубек хазинаси»ни олайлик. Бола эдим. Ўқиб йиллаганман. Улғубекнинг тақдирини, Абдулатифнинг отаси ва фотидан кейинги изтиробларини... Айниқса, «Шоҳнома»ни кўлига олиб очган жойида «Падарқуш... тожу тахт, олти ойдан ошмайду» деган сатрларни ўқиб қандай холга тушгани...

Бадиий асарлар турган-битгани тарбия ва яна тарбия манабадир. Тўғри, ёшларимиз ўқияпти, лекин ўқимаётгани икки ҳисса бисёр. Улардан нима кутиш мумкин, аксари совуққон, эътиборсиз, бефарқ...

Шу кунларда ҳам олимларимиз томонидан қатор ихтиролар қилинляпти. Лекин булар ҳақда кўп билмаймиз. Телеэкранларни кўштирноқ ичидаги санъаткорлар эгаллаган, ошхонада фарук тақиб овқат пишираётганлар ҳам шулар. Бунинг ўрнига олимлар фаолияти, қилаётган ишлари, яратётган ихтиролари, бу жамиятга нима бериши ҳақида кўрсатувлар кўйилса... Ҳатто боғчадан, мактабдан бошлаб шундай ихтиролар, уларни яратётган олимлар ҳақида қисқа-қисқа маълумотлар бериб борилса, болада бунга қизиқилигидан рағбат уйғонади, илмга қизиқади, унинг амалий фойдасини кўради. Ҳозир неча-неча-лаб Илон Масклар боғчада пайкалмай юрибди.

ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎЛ МИЛЛИЙ МАФКУРАДАН БОШЛАНДИ

Инсон ҳамини ҳаётга интилиб яшайди. Олдида бир мақсад бўлади. Бу инстинкт унинг онгида гўдақликдан шаклланади. Бола уйдан кўчага чиқишга, ёққан ўйинчоғига эришишга, мактабда устози рағбатно аъло баҳо олишга ҳаракат қилади... Улғайгани сайин мақсадлар ҳам катталлашиб боради. Ота-она олдидаги бурч, эл-юртга дахлдорлик туйғуси каби... Ана шу жойда унга мақсадни тўғри танлаб, туртки бўладиган нимадир керак бўлади. Яъни, оддий қилиб айтганда, бу пайтда у олдида тубсиз бўшлиқ эмас, узоқлардаги чўққини кўриб, уни забт этишга интилмаса, асосатда қолади. Ана шу жойда бизга миллий мафкура ёрдамга келади.

Мафкура миллатнинг эзгу мақсадлари, манфаатларини ўзида ифода этади, одамларни жипслаштиради. Қайсики ривожланган давлатларнинг бундай ютуққа қандай эришганига назар ташласангиз, миллий мафкурага катта эътибор қаратгани ойдинлашади. Япония, Жанубий Корея каби давлатлар халқи рушдан кейин таълимнинг ривожини учун ҳатто тилла тақинчоқларигача сотиб бергани бор факт. Халқ шунга ишонган ва бу ишонч оқланганини уларнинг бугунги кундаги тараққиёти кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев турган йили маънавият масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида «Ҳамма ҳаракатларимизнинг асоси — халқимизни рози қилиш. Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман, биз яратётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси — эзгулик, одамлилик, гуманизм ғояси бўлади.

Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунашимиз. Албатта, бу юксак ғоялар осмондан тушмаган. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушуна ва қадриятларига асосланган, дея бежизга таъкидламаган эди.

Шундай экан, юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган миллий мафкура — фикр тарбияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини бола онига боғчадан сингдирасак, Ўзбекистон халқи бир жону бир тан бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, юрт равнақи учун курашса, мақсадга эришамиз.

Ҳозирги таҳликали, дунё чайқалиб турган вазиятда ёшларга тўғри йўлни кўрсатиш ҳар нарсдан муҳим саналади. Бу ҳолат чорраҳада турган одамни эслатади. Йўл турфа, манзил эса битта. Бунда компас вазифасини бажарадиган инсонларга эҳтиёж катта бўлади. Бу эҳтиёжни қондириш эса сизу бизнинг қўлимизда.

Шундай эмасми, азиз замондош?

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши жамоаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хонқа тумани кенгаши раиси Юлдашбай Юсуповга волидаи мухтарамаси
Рўзиғул ая ЖАББОРОВА
вафот этгани муносабат билан ҳамдардик билдиради.



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(тахрир ҳайъати раиси)
Улғубек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфилло АҲМЕДОВ,
Акмаль САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурут СОБИРОВ,
Сўхроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБУЛОВА,
Анвар КЎНРАЗДОРОВ
(Боли муҳарририни биринчи ўринбосари)
Меҳридин ШУКУРОВ
(Маъсул котиб — «Ishonch»)
Валентина МАРҶЕНЯК
(Маъсул котиб — «Ishonch-Доверие»)

Бощ муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайт орақли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги аниқлиқлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28
Сарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Ҳайдаров
Мусаххиллар:
Д. Худойберганова,
Д. Рашинова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти — **02:00**
Топширилди — **02:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Бунортма **Г-1006**
31342 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоиси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Ташкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами